

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**  
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

**Ижтимоий фанлар кафедраси**

**МАВЗУ: ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ**

**РЕФЕРАТ**

**Бажарди: доц. Г.К.Машарипова**

**Тошкент - 2017**

## **ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ВА ЁШЛАР тарбияси**

### **РЕЖА:**

- 1. Глобаллашув бутун дунёда рўй бераётган, ортга қайтмайдиган жараён.**
- 2. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва ғоявий-маънавий таҳдидлар.**
- 3. “Оммавий маданият” ва унинг миллий қадриятларимиз ҳамда ёшлар ахлоқ-одобига таъсири.**

**Мавзуни ўрганишдан мақсад:** талабаларга жаҳон миқёсидаги глобал муаммолар, уларнинг бугунги кунда ёшлар тарбиясига таъсири, бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва ғоявий-маънавий таҳдидлар, “Оммавий маданият” ва унинг миллий қадриятларимиз ҳамда ёшлар ахлоқ-одобига таъсирини тушунтириш.

**Методик таъминот:** мавзуга оид манбалар, турли кўргазмали куруллари, Миллий ғоя ва мафкура маркази томонидан тайёрланган фильмлар, мавзуга оид презентация.

**1-масаланинг баёни. Глобаллашуви жараёни ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари.** “Глобаллашув” атамаси дастлаб Америкалик олим Т.Левиттнинг 1983 йили “Гарвад бизнес ревью” журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган. Глобаллашув жараёнининг бу кунга қадар ягона таърифи ҳам, унинг мазмун моҳиятини акс эттирадиган яхлит концепцияси яратилмаган.

Глобаллашув жараёни қуйидагича намоён бўлмоқда:

- XX асрнинг охири XXI асрни бошида жаҳон тараққиётида янги умумсайёравий тартиб, тамаддуний босқич мазмун-моҳияти, давлатлар ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши;
- Дунё миқёсида ахборот макони, капитал товар ҳамда ишчи кучи бозорида тамоман янгича вазиятнинг вужудга келиши;

- Атроф-муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши;

- Информацион-мафкуравий ва диний-экстемистик хуруж хавфининг ортиб бориши.

Жамият ҳаётининг барча соҳалари-иқтисодиёт, сиёсат, мафкура, маданият, ҳатто шахсий турмуш тарзини қамраб олган глобаллашув жараён билан боғланмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мазкур жараён глобал коммуникация тармоғининг вужудга келишига имкон яратган информацион инқилоб, капиталнинг интернационаллашуви, жаҳон бозорида рақобатнинг кучайиши, табиий захиралар тақчиллиги ва уларга эгалик қилиш учун курашнинг кескинлашуви, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, умумсайёравий фалокат хавфи каби омиллар билан белгиланади. Ана шу омилларнинг ўзаро боғлиқлиги бир-бири билан тутшиб кетишига глобаллашув жараёнининг зиддиятли ҳамда мураккаб моҳияти намоён бўлади.

**Илмий-техникавий тараққиёт ва глобаллашув жараёнлари.** Ўтган асрнинг сўнгги чорагида улкан илмий-технологик тараққиётга асос солинди. Шунинг натижаси ўлароқ ҳозирги вақтда саноат корхоналарида 100 минглаб роботлар ишламоқда. Кўплаб соҳалар автоматлаштирилган. Биотехнология фани кашфиётлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида туб бурилиш ясаши кутилмоқда. Ген муҳандислиги борасида эришилган ютуқлар туфайли миллион-миллион инсонлар ҳаётига зомин бўлган ирсий касалликларни бартараф этиш имконияти туғилмоқда. Бугунги кунда компьютер технологиялари ва телекоммуникация соҳасида эришилган мувофиқиятларда инсон ақли шошади. Мисол учун ўтган асрнинг 70 йилларнинг бошида ИНТЕЛСАТ йўлдош алоқа тизими Антантика ортидан атиги 240 та телефон сўзлашувини қабул қилган бўлса, бугун бу кўрсаткич 120 мингтадан ошиб кетди. Дунёни тўр сингари ўраб олган ИНТЕРНЕТ тизими ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Б тизим воситасида дунёнинг исталган

нуқтаси билан боғланиш, керакли маълумотларни олиш, зарур одамлар билан мулоқот қилиш, хат ёзишиш мумкин.

**Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви.** Маълумки айрим ривожланган мамлакатлар саноат маҳсулотлар ахборот ва мафкуравий таъсир кўрсатиш воситалари орқали кенг кўламдаги геосиёсат юритиш билангина чекланмай, ўз халқининг табиати, маданияти, мафкурасига хос жиҳатларни мунтазам равишда дунё халқлари турмуш тарзига, онгу шуурига, бир сўз билан айтганда, улар ҳаётининг барча жабҳаларида изчил сингдиришга интилмоқда. Бу ҳол, айниқса эндигина мустақилликка эришган мамлакатлар халқларининг миллий ўзлиги, маданиятининг ворисийлик анъналари ҳамда менталитетига путур етказиши турган гап. Президент И.А.Қаримов таъкидлаганидек “... баъзан беозор бўлиб туйилган мусиқа, оддийгина мультфилм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади” (Тафаккур журнали, 1998 2-№).

**Илмий-техникаий тараққиёт ва глобаллашув жараёнлари.** Бугунги кунда дунёда ахборот тарқатиш кучайди, универсал технологиялар пайдо бўлди. Интернет тизими орқали ахборот алмашув ҳам тезлашяпти. Бу эса ғоявий таъсир ўтказиш кўламини кенгайтирмоқда. Бирор бир мамлакатда пайдо бўлган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Ахборот қатламини тез фурсатда Ер юзини қамраб олиш жараёни глобаллашув дейилади. Натижада одамзот маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатига хизмат қиладиган, турли мафкуравий марказларнинг доимий босими остида яшамоқда.

Бугунги кунда компьютер, факс, “уяли” телефон, параболик антенна, электрон почталарга ўрганиб қола бошладик. Ҳозир бу муъжизалардан фойдаланиш бирор ўқувчини ҳайратга солмайди. Улардан тўғри фойдалана билиш эҳтиёжи ҳам маънавият соҳасининг аҳамиятини янада кучайтиришни талаб қилади.

**Глобаллашувнинг ижобий натижалари, замонавий илм-фан ютуқлари ва уларнинг одамлар тасаввурини кескин ўзгартириши.**

Айрим олимлар ахборот ва электрон техника воситалари амалдорларнинг кўпгина вазифаларини ўз зиммасига олаётгани маъмурий тизим тазйиқини жиловлаш, инсон ва жамият ҳаётини янада эркинлаштиришнинг муҳим омили бўлади, деб ҳисобламоқда. Тараққий этган давлатларда бу борада жиддий ютуқларга эришилган. Жумладан, ҳар бир компьютер соҳиби бозордаги вазиятга аралашиб, керакли маҳсулотни танлаб олиш, исталган корхона ёки фирма билан мулоқотга киришиб, хоҳлаган бошқа маълумотдан (давлат сири бўлган маълумотлардан ташқари) хабардор бўлиш имкониятига эга.

Глобаллашув жараёни одамзотга ўзаро ахборот алмашув алоқаларни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш суръатини кенгайтириш борасида катта имкониятлар бериш билан бирга йиллар, асрлар давомида етилиб келган муаммоларни ҳам юзага чиқара бошлади. Бугунги кунда техник тараққиётнинг юксак чуққисига кўтарилган инсониятнинг ўзи кўпгина муаммолар қошида ожиз қолмоқда. Бу эса башариятни яна бир бор огохликка, ақл-идрок ва салоҳиятини фақат эзгулик йўлида ишлатишга даъват этади.

**Глобаллашувнинг салбий оқибатлари.** Глобаллашувнинг салбий оқибатлари қуйидагиларда ўз аксини топмоқда; АҚШ ва Оврупонинг тараққий этган мамлакатларида иш жойларининг қисқариб бораётганини кузатиш мумкин. Ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида эса вазият янада ачинарли тус олмоқда. Уларда миллион-миллион арзон ишчи кучининг мавжудлиги сабабли замонавий технологияларни жорий этиш жиддий муаммоларга айланмоқда. Оқибатда иқтисодий ва ижтимоий табақалашув жараёни кескинлашиб бормоқда. Жумладан АҚШда сармоядорларни бешдан бири мамлакат миллий бойлигининг 80% эгалик қилмоқда. Ёки иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё аҳолисининг энг бой тоифаси ҳисобланган 20% одамнинг даромади 20% камбағалларникига нисбатан 30 баробар кўп бўлган бўлса, XXI асрнинг бошида улар ўртасидаги фарқ яна шунчага ошган. Масалан:

- Электрон технологиялар банк-моллия соҳасининг креминаллашувига ҳам кенг имконият яратмоқда.

- Турли банк муассасалари ва йирик корпорацияларнинг комьютер кодларини бузиб, миллион-миллион миқдоридаги маблағни ўмараетган фирибгар “ҳаккер”лар сони кун сайиб ортиб бормоқда.

- Бугунги кунда банк молия соҳасига иқтисослашган минглаб майда гуруҳлардан ташқари 10 яқин йирик жиноий Транс Миллий Корпорациялар наркотрафик, қурол-яроғ ва ҳатто одам савдоси билан шуғулланмоқда. Бундай жиноий фаолият инсоният фаолиятига қанчалик хавф солаётганлигини тасаввур этиш учун сўнги 30 йил мобайнида гуёҳванд моддалар савдоси қарийб 50 фоизга ошганини эслашнинг ўзи кифоя.

**Жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишларнинг асосий йўналишлари.** Ҳозирги пайтда жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олиш учун кураш кетмоқда. Буни ким қайси йўллар билан амалга оширишга уринмоқда, деган саволнинг туғилиши табиий. Бунга жавобан, таъкидламоқчимизки улар: буюк давлатчилик гегемонизми; диний мансублик асосида; этник бирлик асосида; собиқ тузумни қумсаб, ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий бирлик асосида ҳаракат қилмоқда.

Бу ҳаракатларнинг орқасида кимнинг манфаати, мақсади ётади, шу туфайли ядро полигони сингари мафкуравий полигон учун ҳам катта маблағ сарф қилган ҳомийлар талайгина. Улар ҳозирги жамиятимиз ҳаётига жиддий хавф туғдирадиган мафкуравий таҳдидларни вужудга келтирмоқда:

- ислом халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларини янги

империяга бирлаштиришга қаратилган интилишлар;

- ёш мустақил давлатларни собиқ иттифоққа бирлаштириш ғояси;

- тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга қаратилган уринишлар;

- ахлоқсизлик ғояларини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар;

- турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можароларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар.

**2-масаланинг баёни. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси.**  
**«Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси» деганда биз,** ҳозирги давр-дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонларини ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврни тушунамиз.

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси куйидагичадир:

- аксарият ривожланган давлатларнинг мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади;

- кўп мамлакатларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувор;

- турли воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган тажовузкор миллатчилик, шовинизм, неофашизм, ирқчилик, диний экстремизм каби сиёсий кучлар ва оқимлар ҳам кўзга яққол ташланади;

- бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсадидир;

- XXI аср дунёда глобаллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва интенсивлашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар асридир.

**XX асрда дунёда ғоявий қарама-қаршиликларнинг мураккаб тус олиши:** XX асрнинг охири дунёда жаҳоншумул воқеалар рўй берди. Унинг сиёсий харитаси, жумладан, Марказий Осиёнинг манзараси тубдан ўзгариб кетди. Собиқ иттифоқнинг тарқалиши, унинг ҳукмрон мафкураси барбод бўлиши ва Марказий Осиёдаги республикаларнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши минтақамизда нафақат ижтимоий-сиёсий, балки янги мафкуравий вазиятни ҳам вужудга келтирди.

Марказий Осиё мамлакатлари ўз мустаўққиллигини қўлга киритиб, тараққиёт сари қўдам ташлаётган ҳозирги шароитда ҳам жаҳондаги маълум

бир сиёсий кучлар, мафкуравий полигонлар улкан иқтисодий салоҳият ва қулай геополитик мавқега эга бўлган бу минтақани ўз манфаатлари доирасига тортиш ҳаракатларидан тўхтаган йўқ. Улар ўз мақсадларига эришиш таъсир ва босим ўтказишнинг турли шаклларини қўлламоқдалар.

Бугунги кунда инсоният ғоят чигал ва зиддиятли замонда яшайпти. Бунинг устига, эзгу ғояларни турли ғаразли манфаатлар йўлида сохталаштиришга интилувчилар тобора кўпаймоқда. Оқибатда асл мақсадлар ниқобланиб, азалий қарашларнинг маъноси атайин чигаллаштирилмоқда.

Президентимиз Ислоом Қаримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари халқимизни, аввало, ёшларимизни ана шундай таҳдидлардан огоҳ қиладиган, бугунги ҳаётда нима яхши-ю нима ёмон экани тўғрисида ўйлаб кўришга ундайдиган, дунёқарашимизни қувватлантирадиган, ҳаёт фалсафаси ва илмига ташналигимизни босадиган, ён-теварегимизда бўлаётган воқеалар моҳиятини теран англашига имкон берадиган манба бўлиб хизмат қилаётганлиги билан ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Юртбошимиз бугунги дунёда кечаётган ғоявий курашлар ҳақида бундай фикр билдиради: “Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўраимиз”.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг қисқа тарихий даври шуни кўрсатдики, вайронкор, бузғунчи ғоялар биринчи галда ёшлар онгини заҳарлашга қаратилган. Бунинг олдини олиш учун жамиятимизда, кундалик ҳаётимизда таълим-тарбияга, маънавий-маърифий ишларга жиддий эътибор қаратишимиз даркор. “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида аниқ белгиланганидек: “ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш,



уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалоқатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш” вазифалари юкланган.

Ғоявий-маънавий таҳдидлар нималарда аён бўлишини таҳлил қилиб кўрайлик. Бу таҳдид, биринчи галда, тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси шахснинг том маънодаги озод инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий оламини издан чиқариш мақсадини кўзлайдиган мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружларини назарда тутмоқ керак.

Илмий таҳлиллар, кўпчилик ҳурматига ва эътиборига сазовор бўлган манбаларга асосан ғоявий-маънавий таҳдидлар қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- **аввало**, инсоннинг эркинлигига дахл қилади, уни фикрий жиҳатдан қарам қилишни кўзлайди;
- **иккинчидан**, инсоннинг руҳий дунёсини издан чиқаришга йўналтирилган мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружлари шаклида амалга оширилади;
- **учинчидан**, турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остига яширилади;
- **тўртинчидан**, катта маънавий йўқотишларга олиб келади, халқларнинг миллий ва диний томирларига болта уради;
- **бешинчидан**, ёт ғоя ва зарарли дунёқарашни аввало беғубор ёшларнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилади;
- **олтинчидан**, мамлакат хавфсизлиги ва миллий манфаатларига таҳдид солади, жамиятни инқирозга олиб келади;
- **ва ниҳоят**, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала саналади.

Демак, ғоявий-маънавий таҳдид қайси давлат ёки халққа қарши қаратилишидан қатъий назар, бутун инсониятда бирдек ташвиш ва хавотир

уйғотиши керак. Президентимиз Ислом Қаримов маънавиятга, ёшлар онгига таҳдид солиш қандай машъум асоратларга олиб келишини асослаб, кўйидагиларни баён қилади: “Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”.

Бугунги дунё бошдан кечираётган глобаллашув жараёни инсоният учун катта имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Бирок, дунёдаги айрим кучлар шундай ҳам мураккаб бу жараённи янада кескинлаштириш, образли қилиб айтганда, тиник сувни лойқалатиб, истаганча балиқ тутишга интилмоқда. Жумладан, ҳамиша зўравонлик ва гегемонлик ҳисобидан катта бойлик орттириб келган кучлар мана шундай талотўплардан фойдаланиб, “оммавий маданият” ғоясини кенг тарғиб этмоқда.

Шуни таъкидлаш муҳимки, ҳозирги мураккаб ва чигал замонда маънавият ва маърифат масаласи нақадар ўткир ва ҳал қилувчи масалага айланиб бораётганини кўпчилик ҳамон теран англаб етгани йўқ. Такрор айтиш фойдадан холи эмаски, агар маънавиятни йўқотсак, ўзимизни ва ўзлигимизни йўқотиб қўйишимиз мумкин. Аксинча, маънавиятимизни юксалтирсак, ўзимизнинг мақсад-вазифаларимизга етиш учун кучли ва ишончли мадад топа оламиз. Юртбошимиз шулар хусусида тўхталар экан, кўйидаги ҳолатни алоҳида таъкидлаган эди: “Ҳозирги кунда ғоявий мухолифларимиз, маънавиятимизга қарши кучлар аҳолимизга, айниқса ёшларимизга нисбатан ахборот хуружлари уюштиришга, “оммавий маданият” шаклидаги пухта ниқобланган таҳдид ва таъсирлар ўтказишга уринмоқда”.

**3-масаланинг баёни.** “Оммавий маданият” ибораси XX асрнинг иккинчи ярмидан (1950-1960 йй.) қўллана бошланган бўлса-да, унинг тарихий илдизлари жуда узоқдир. “Оммавий маданият”нинг тарқалиши макон ва замонда турлича кечган. Қадим даврларда ҳам “оммавий

маданият”ни тарқатиш билан шуғулланилган. Ўша замонларда бу иш билан банд бўлган махсус хуфия идоралари ташкил этилган. Шунингдек, савдогарлар, сайёҳлар, олимлар ҳам бу ишга жалб килинган. Айрим ҳолларда “оммавий маданият” уруш, босқинчилик, зўравонлик, мажбурлаш йўли билан ўзга юртларда жорий этилган.

“Оммавий маданият” ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтганига Америка Қўшма Штатларини мисол келтириб ўтамиз. Турли миллат ва элатларнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатлари тўқнаш келган АҚШ давлат геосиёсий хавфсизлигини ҳимоя қилиш мақсадида маданиятларни яқинлаштириш орқали миллатлар ўртасидаги тафовутни йўқотган ва “америкалик” деган ягона миллатни шакллантириш сиёсатини олиб борган эди. Бу сиёсат АҚШ давлатининг яхлитлигини ҳимоя қилишга асқотган бўлса-да, аммо унинг оқибатида неча ўнлаб миллат вакилларининг катта сиёсат қурбонига айланиб, йўқ бўлиб ёки “ютилиб” кетганини эътиборга олсак “оммавий маданият”нинг соф сиёсий тушунча экани яққол маълум бўлиб қолади.

“Оммавий маданият” кўламадан, унинг тарқалиб бориш географиясидан, айниқса, америкалик сиёсатчиларнинг (Э.Тоффлернинг “Учинчи тўлқин”, П.Бьюкененнинг “Ғарбнинг ҳалокати” асарлари “оммавий маданият” келтириб чиқараётган зарарлар ҳақида) ўзлари янада кўпроқ ташвишга туша бошладилар. Лекин, глобаллашув жараёнлари чуқурлашгани, ахборот технологиялари такомиллашиб боргани сайин миллий қадриятларни, азалий анъаналарни сақлаб қолиш масаласи долзарб аҳамият касб этиб бораверади. Албатта, бунда оммалашиб бораётган маданий тушунчаларнинг роли катта бўлади.

“Оммавий маданият” шуниси билан ўта хатарлики, ёшларни қайси миллатга, қайси қатламга мансуб бўлишига қарамасдан бирдек қамраб олади. Бундан ташқари, АҚШлик геосиёсатчи Збигнев Бжежинскийнинг фикрича, “оммавий маданият” жозибадорлиги асосида ижтимоий эгалитаризмга алоҳида аҳамият берадиган, айна пайда, индивидуализм ва шахс

муваффақиятларини инкор қилмайдиган америкача демократия ётибди. “Бир сўз билан айтганда, “оммавий маданият” одамларни фикрлашдан тўхтатиб, тайёр истеъмолчига айлантирадиган ҳодиса ҳисобланади”.

“Оммавий маданият”нинг илдизида аввало тижорат, моддий манфаатдорлик борлигини бугунги замонавий фан ҳам эътироф қилади. “Туя қарвони бўладими ёхуд кема юкхонасида бўладими – қандай шаклда бўлмасин, олиб келинаётган товар ёнида ҳамиша муҳим сиёсий “маҳсулот” – ғоя бўлган ва у бошқа моллар қатори экспорт қилинган. Айнан ана шу тактика “универсал маданият” экспортида бугун ҳам фаол қўлланмоқда”. Шу тариқа “оммавий маданият”дан ўз манфаати йўлида фойдаланишни истаётган кучлар моддий фойда олиш учун бутун инсониятнинг ахлоқига ва турмуш тарзига тажовуз этмоқда.

Президентимиз Ислом Қаримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бизни, халқимизни, демакки, аввало ёшларимизни бундай огоҳлантиради: “Табийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”.

Дарҳақиқат, бугунги шиддатли даврда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, чин маънавий-маърифий қадриятларни ҳурмат қилмасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар ҳозирги ривожланишга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшларимиз тарбиясига жиддий хавф солмоқда ва аксарият кўпчилик жаҳонда мисоли бало-қуюндек ёпирилиб бораётган бундай ўта хатарли таҳдидларга қарши курашиш нақадар долзарб эканини англаб бормоқда.

Бинобарин, “оммавий маданият” ниқоби остида ҳар хил ғаразга йўғрилган ноҳолис ахборотлар хуружи таъсиридан сақланиш (бундай ахборотлар ниҳоятда турли йўллар билан тарқатилади: масалан, кўнгилочар

телеканаллар, радио эфирлар, газета-журналлар, кино, сериал, мультфильм ва хоказолар) “санъат асар”лари замирида тарғиб қилинаётган зўравонлик, ахлоқсизликни, эгоцентризм ғояларини ўз вақтида англаб, уларга қарши мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиб, бугун фақат бизнинг мамлакатда ёки минтақамизда эмас, бутун дунёда энг долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинишида катта маънавий ва мафкуравий асос бор. Ҳақиқатан ҳам, ушбу йил муносабати билан қабўл қилинган Давлат дастурининг X бўлимида алоҳида вазифа қилиб белгиланганидек, “Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, четдан кириб келадиган экстремистик марказлар ҳамда паст савияли “оммавий маданият” иллатларининг зарарли таъсирлари, таҳдиддан муҳофаза қилиш” таълим-тарбия жараёнидаги устувор мақсадимиздир.

2014 йил “Соғлом бола” йили деб, аталиб, ушбу дастурида белгиланганидек, Соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш учун қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, бу борада ташкилий – ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилган янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш, соғлом боланинг дунёга келиши масаласига соғлом ва аҳил оиланинг меваси сифатида қараб, оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятлар муҳитини шакллантириш, ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши учун моддий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болалик ҳимоясини таъминлаш, она ва боланинг саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг ўз қобилият ва имкониятларини ишга солиш, соғлом болани шакллантиришда таълим-тарбия тизими ва спортнинг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларни юқори малакали ва тажрибали педагоглар билан таъминлаш, бошланғич таълимнинг юқори сифатини таъминлаган ҳолда болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш,

болалар, айниқса қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш бўйича аниқ-чора-тадбирларни амалга ошириш, соғлом болани, айниқса, қиз болаларни тарбиялаб вояга етказишда, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши учун уларга кўмак бериш, болаларни турли тўғаракларга жалб этиш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича маҳалла ва бошқа жамоат тузилмаларнинг ролини ошириш, ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, оилалар ва жамиятда ўзаро бир-бирини тушуниш, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдамни ўз вақтида ва манзилли кўрсатиш борасида маҳалла ва бошқа жамоат тузилмаларининг масъулиятини куачайтириш, “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг мақсадлари ва вазифалари бажарилиши тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил этиш, бунда оммавий ахборот воситаларининг, шу жумладан электрон оммавий ахборот воситаларининг ва Интернет тармоғининг имкониятларини фаол ишга тушириш масалаларига катта эътибор берилган.

Бугунги кунга келиб, муайян мамлакатни забт этиш, бирор халқни бўйсиндириш воситалари тубдан ўзгарди. Илгари бу мақсадларга эришиш учун қанчадан-қанча қурол-аслаҳалар, қиммат-баҳо техника, минглаб асқарлар ва анча-мунча вақт ҳам керак бўлар эди. Ҳозирда эса бирор мамлакат ёки халқни бўйсиндириш учун оммавий ахборот воситаларининг ўзи кифоя қилмоқда. Куч ишлатиш, мажбурлаш, зўравонлик ахборот орқали таъсир қилиш, одамларни бирор бир ғояга ишонтириш, онгни бошқариш технологияларига ўрин бўшатыпти.

Куч орқали мақсадга эришиш инсоният томонидан бирдек қораланади, чунки бунда инсонга жисмоний оғриқ, шикаст, моддий зарар етказилади. Ишонтириш воситасида ҳаракат қилаётганларни эса бирор нарсада айблаш қийин, зеро, улар тарғиб қилаётган ғоялари ортида қандай манфаатлар яширинганини билиш осон эмас. Ваҳоланки, сўз, фикр, ахборот орқали инсон тафаккурини забт этиш ҳам халқ, мамлакат, худудни босиб олишнинг бироз маданийлашган кўриниши ҳисобланади, бироқ бунда истилочининг ким

экани номаълум бўлади, ҳатто аҳоли ўзини босиб олиш учун ким кураш олиб бораётганини англамайди ҳам. Бу кураш яширин равишда, зимдан оширилгани боис, унга уюшқоқ ҳолда қаршилик кўрсатиб бўлмайди, айнан шу омил бундай қарашларнинг муваффақиятини белгилаб беради.

Гегемониянинг бу шакли “маданий гегемония”(устунлик, йўлбошчилик) деб номланади. Жаҳон миқёсида авж олдирилаётган бундай маданий гегемония курашда алданиб қолмаслик учун истилочиларнинг асл мақсад-муддаоларини билиш, қўлланилаётган услуб ва воситаларни пухта ўрганиш талаб этилади.

Инсоният бошидан ўтказган инқилобларни тадқиқ этиш асосида ва инсоннинг феъл-атвори ҳақидаги билимлар негизида XX асрнинг 30-йилларида янги назария пайдо бўлди. Бу назариянинг муаллифи – италия компартиясининг асосчиси ва назариётчиси Антонио Грамши эди.

Грамшианинг фикрича, гегемония жамиятнинг ”маданий ўзаги”га таянади. Бу ўзак инсоннинг ҳаёт, яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги тасаввурларини, билим ва тажрибани, анъана ва рамзларни ўз ичига қамраб олади. Маданий ўзак қанчалик барқарор бўлса, мавжуд тартибни сақлаб қолишни ихтиёр этган жамоанинг иродаси ҳам шу қадар қатъий бўлади. Маданий ўзакнинг кучсизланиши ёки қўпорилиши эса жамоа иродасининг емирилишига олиб келади ва инқилоб учун замин яратади.

Шу тариқа, маданий гегемонияга эришиш учун маданий ўзакка тажовуз қилинади. Бунинг учун танкларга снарядларни тиқиш, самалётларга бомбаларни жойлаштириш, автоматларни ўқлаш талаб этилмайди, балки кўп сонли китоб ва рисоаларда, журнал ва газеталардаги мақолаларда маданий ўзакни қўпоровчи вирус-ғояларни тарқатишнинг ўзи кифоя. Грамши бу жараённинг қабих моҳиятини билмаслик оқибатида аҳолининг унга қаршилик кўрсатмаслигига ишора қилиб, бундай ўзгаришни “пассив инқилоб” деб атади.

Грамши яшаган вақтда бундай инқилоб, асосан, зиёлилар онгида юз берган бўлса (чунки вирус-ғоялар битиладиган адабиётлар билан биринчи

навбатда улар танишар эдилар), ҳозирда оммавий ахборот воситаларининг таракқий этилиши туфайли бундай инқилобни бошқа қитъаларда яшайдиган одамлар онгида амалга ошириш ҳам ҳеч гап бўлмай қолди. Телевизор ҳар бир хонадоннинг тўрини эгаллаган, глобал ахборот макони шаклланган бугунги кунда, афсуски, маданий гегемония учун курашдан, бошқача айтганда, инсон онги ва қалби учун курашдан пана топиш осон эмас. Бироқ, ишончимиз комилки, бундай кураш усуллари ва воситаларини чуқур ўрганиш улардан ҳимояланиш чораларини ишлаб чиқишда қўл келади.

Хўш, маданий гегемония ўрнатишга, аниқроғи, маданий ўзакни кучсизлантиришга шайланганларга Грамши нима маслаҳат беради? Тарихий хотирани сусайтириш, жамиятдаги бирдамликка путур етказиш, анъанавий кадриятларни емириш, халқни маънавий илдизларидан маҳрум этиш, соғлом ақлни “ўчириш” каби усулларни таклиф қилган Грамшининг рўйхатининг унинг замонавий “шогирдлари” янги йўналишлар-ахлоқсизликни тарғиб қилиш, инсоннинг энг тубан майллари, хайвоний ҳирслари, нафсини кўзғаш ҳисобига “бойитдилар”.

Кўриниб турибдики, маданий гегемония негизида инсонни мустақил фикрдан маҳрум қилиш, уни ўзлигини унутган кимсага, манқуртга айлантириш мақсади ётибди. Янги кўринишдаги бундай мустамлакачиликнинг фожиавий оқибати ҳам шунда.

Ҳа, бугунги кунда айрим ижтимоий жараёнларни кузатар эканмиз, улар Грамшининг маданий гегемония ҳақидаги таълимотига уйғун тарзда, унинг кўрсатмаларига мос равишда кечаётганини тан олишга мажбур бўламиз. Айрим ҳолларда ҳаттоки, бу жараёнлар Грамши таълимотига таянган ҳолда маҳсус ишлаб чиқилган ва моҳирона амалга оширилган, аниқроғи, Грамши назариясининг қанчалик тўғри эканлигини тажрибаларда синаб кўриш учун ўтказилган операция эмасмикан, деган гумонга ҳам борасан киши.

Эътибор беринг. Грамшининг назариясига кўра, маданий гегемония ўрнатиш учун соғлом ақлни бартараф этиш талаб этилади. Соғлом ақл “ўчирилгач”, инсонни ақл бовар қилмас афсона ва уйдурмаларга ҳам



ишонтириш мумкин бўлади. Айни пайтда, жаҳонда кенг ёйилаётган ана шундай чўпчак мафкуралардан бири “евроцентризм” деб ҳам аталади. Номидан ҳам кўриниб турганидек, ундан Ғарбдан андаза олиш, унга тақлид қилиш тараққиётнинг бош омили эканлиги ўқтирилади. Евроцентризм ҳаммабопликка даъво қилаётган мафкура бўлиб, унга кўра, барча халқлар бир хил тараққиёт йўлини босиб ўтадилар, фақат ҳозирги кунда улар тараққиётнинг турли босқичларида турганликлари боис, бир-бирларидан фарқ қиладилар. Ўз тараққиёт йўлини белгилаётган жамиятларга нисбатан евроцентризм мафкурачилари “Ғарб изидан бор – бу энг яхши дунёларидан биридир”, дея “маслаҳат” берадилар.

Кўпинча суҳбат чоғида айрим зиёлилар номаъқул мусиқа, номаъқул фильмларнинг, миллатимиз руҳиятига, маънавиятига зид урфларнинг ёшларга, умуман одамлар онги ва қалбига салбий таъсири ҳақида куюниб гапириб қолишади. Дарҳақиқат, на маъно на мазмун бўлган, инсоний ҳислардан кўра, кўпроқ паст инстинктларни кўзғовчи кўшиқ, ғоявий бўш, ҳатто зарарли фильм каби “оммавий маданият” намуналарига ҳаётимизда кўп дуч келамиз. Балки айримларнинг четдан ёғилиб келаётган бундай “асар” ларнинг йўлини тўсиш ёки ўз “санъаткор”ларимизнинг ижод намуналарини бадиий кўриқдан (ўзига хос цензурадан) ўтказиш ҳақидаги фикри тўғридир. Аммо бутун дунёда балои азимга айланган салбий кўринишдаги “оммавий маданият”нинг тарқалиши бундай йўл билан олдини олиб бўлармикан? Кишиларни “Оммавий маданият” куллигидан буйруқ ёки фармон билан ҳалос этиш мумкинмикин? Президентимиз илгари сурган “Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан бахсга киришиш мумкин”, деган фикрнинг мазмун-моҳияти теранлиги ва доимо долзарблиги шунда .

“Табийки “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик ортириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига

беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”

«Оммавий маданият» Ғарб дунёсида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Уни Ғарбда «популяр» ёки қисқартирилган ҳолда, «поп-культура» (яъни «оммавий маданият») деб аташади. Ғарчи «маданият» деб аталса-да, аслида, туб мазмун-маъносига, мақсад-ниятига кўра «оммавий маданият» чинакам маданиятнинг кушандасидир.

Мутахассислар (файласуф ва социолог олимлар)нинг фикрича, ҳали илм-фанда «антикультура» («ғайримаданият») деган илмий тушунча шаклланмаганлиги учун «оммавий маданият» тушунчаси, ночорликдан қўлланилмоқда. Чунки, «оммавий маданият», аслида маданиятсизлик, яъни маънавиятсизлик ва ахлоқсизлик синонимидир. «Оммавий маданият» шу боисдан, энг аввало, юксак истеъдод ва ўлмас маънавий-ахлоқий ғоялар байроқдори бўлган мумтоз маданиятга, санъатга, унинг бойликларига қарши тиш-тирноғи билан курашиб, уни инкор этиб келяпти.

Таассуфли жиҳати шундаки, гоҳида ғоятда истеъдодли инсонлар ҳам «оммавий маданият» тарғиботчиларининг қутқусига учраб, унинг тегирмонига сув қуймоқда. Агар «оммавий маданият» дунёга «эҳсон» этаётган «поп-арт» («тасвирий санъат»), «поп-музыка», «поп-адабиёт» натижаларига қараб ҳукм юритадиган бўлсак, улар инсоният яратган барча қадриятларни исёнкорлик билан инкор этади: юксак маданиятни, маънавиятни, ахлоқни, юксак орзу-мақсадларни менсимайди... Улар учун эзгуликнинг ўзи йўқ. Жумладан, санъат - алоҳида истеъдодлар томонидан яратиладиган маънавий бойлик, мўъжиза эканлиги каби ижоднинг олий мезонлари «оммавий маданият» тарафдорларининг ғашини келтиради. Уларча, ҳамма санъаткор бўлиши мумкин. Ҳамма нарса санъат аталиши мумкин. «Поп-арт» - (оммавий санъат) шу хулоса манбаида вужудга келган.

«Оммавий маданият» таркибидаги кишиларнинг дастурий қарашини шундайки, улар инсонни эмас, аксинча, нарсалар ва буюмларни эъзозлашади. Маънавий дунёни эмас, маиший-истеъмолчилик ҳис-

туйғуларини кадрлайдилар ва уларни кенг оммалаштиришга интиладилар. Уларнинг маънавий позицияси - маънавийтни ўлдириш ва «нарсаларга куллик»ни рағбатлантиришдир. Американинг таниқли адиби Р. Бредбери айтганидек, «оммавий маданият» мактабидан ўтган авлод учун ҳаётнинг маъноси - автомобиль, телевизор, компьютер ва шунга ўхшаш техник воситаларгагина эга бўлишдир.

«Оммавий маданият»да «Оммавий мусиқа» алоҳида ўрин тутди. «Оммавий мусиқа» ни «Янги рок» белгилайди. «Янги рок», таъбир жоиз бўлса, кучайтирилган ритмик тузилмали мусиқадир. Яъни жазавали ритм, зарб, шовкин ушбу мусиқанинг қиёфасидир. Бу мусиқа тинглашга эмас, балки вужуд ҳаракатига, талвасали рақсга йўналтирилган. «Оммавий маданият» даги техник-ижро воситалари мусиқа имкониятларини ниҳоятда торайтирмоқда, полифонизм - мусиқий садолар бойлиги ва ранг-баранглигини йўққа чиқармоқда.

Хуллас, Ғарб жамияти маънавий ҳаётида инқироз тушкунлиги туфайли бузғунчилик, оммавий невроз, ахлоқсизлик, тажовузкорлик каби ҳолатлар намоён бўлиб, тобора хатарли тус олмоқда. Зеро, глобаллашув жараёни, замонавий коммуникация тармоқларининг жадал ривожланиши, маданиятлараро, инсонлараро мулоқот кенгайиб бораётган бир паллада Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, аждодларимиз қолдирган маънавий-маданий меъросни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга беками-кўст етказиб бериш, ёшларимизни ақлли, доно, бахтли ва баркамол этиб тарбиялаш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода турли ғоялар, ҳаётий қараш ва қадриятлар тўқнаш келган пайтда шахс масъулияти, у танлайдиган ижтимоий орзу-умидларнинг аҳамияти беқиёс даражада ортади.

#### Адабиётлар:

1. Ахлоқ-одобга оид хадис намуналари. «Фан» Т., 1990 й.

2. Кайковус. «Қобуснома» Т. , «Ўқитувчи», 1986 й.
3. Шорасул Зуннунов. Донишмандлар тарбия ҳақида. Т., «Ўқитувчи». 1998 й.
4. А.Авлоний. Туркий гулистон ўхуд ахлоқ. Т., «Ўқитувчи» 1992 й.
5. О.Тўраева «Бола азиз, одоби ундан азиз» Т., «Ўқитувчи» 1986 й.
6. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т., 2000 й.
7. О.Тўраева., М.Туропова. «Одобнома». 5-синф. Т., «Ўқитувчи» 1996 й.
8. Қ.Назаров . Аксиология – қадриятлар фалсафаси. – Т.: ЎФМЖ, 2004
9. Аристотель. Сочинения в 4-х томах. – М.: 1975.ч.1
- 10.Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. Қ.Назаров . таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2004
- 11.Фалсафа энциклопедик луғат. Назаров Қ. таҳрири остида. –Т.: Шарқ,2011
- 12.Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: Ўзбекистон, 2004
- 13.Плутарх. Сайланма. З.Аълам ва Урфон Отажон таржимаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2006
- 14.Ёқубова М. Жамият ахборотлашувнинг фалсафий асослари. Фалс.фан. номз. Дисс. –Т.: Университет, 2007
- 15.Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007
- 16.Цицерон. Нотиқлик санъати ҳақида икки рисола. Таржимон Урфон Отажон. –Т.: Янги аср авлоди, 2007
- 17.Ҳақиқат манзаралари. С.Жўраева таржимаси.– Т.: Янги аср авлоди, 2007
- 18.Отамуродав С. Глобаллашув ва миллат. – Т.: Янги аср авлоди. 2008
- 19.Очилова Б. Миллий-маънавий юксалишда мерос, қадриятлар ва ворисийлик. –Т.: Истиқлол, 2009
- 20.Қурбонова Л. Инсон фалсафаси. –Андижон: АДУ, 2009